

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

« 07 » 09 2020 yil № 559 -sonli
Тумандаги Жангкетмон кишлоғида яшовчи тadbirkор
Кенжаев Омонжон Рафиқжон ўғлига "Ёшлар меҳнат гузари"
комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Navbahor

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тadbirkорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тadbirkорликлари" тўғрисидаги 962-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тadbirkорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Жангкетмон маҳалла фуқаролар йиғини Жангкетмон кишлоғи худудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Тумандаги Жангкетмон кишлоғида яшовчи тadbirkор Кенжаев Омонжон Рафиқжон ўғлининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Жангкетмон маҳалла фуқаролар йиғинининг 2020 йил 6 август кунги йиғилиш баёни маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2.Тadbirkор Кенжаев Омонжон Рафиқжон ўғлига Жангкетмон кишлоғи худудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 82,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.

3.Тadbirkор О.Кенжаевга "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига рухсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4.Тadbirkор О.Кенжаев зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, маиший хизмат кўрсатиш биноси қурилишини бир йил муддатда қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорда банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тadbirkорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

5.Тadbirkор О.Кенжаев ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари копланмаслиги белгилаб қўйилсин.

6.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Валиев ва Р.Хамдамовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солнев.



« 07 » 09 2020 yil № 560 -sonli Navbahor

Туманнинг Эски МФЙ Капа қишлоғи худудидан тоза ичимлик суви қудиғи кавлаш учун ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6 ва 34-моддаларига асосан тумандаги Эски МФЙ Капа қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Туманнинг Эски МФЙ Капа қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Капа қишлоғи худудидан туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан тоза ичимлик суви тик қудиғи қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2.Туманнинг Эски МФЙ Капа қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Капа қишлоғи худудидан туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан тик артезиан қудиғи кавлаш учун 1000,0 квадрат метр ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3.Буюртмачига тоза ичимлик суви тик қудиғи қурилишини лойihalаш учун вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи тайёрлатиб олиш вазифаси юклатилсин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.



« 07 » 09 2020 yil Navbahor shaharchasi № 561 -sonli

Туманинг Кўк-дўппи қишлоғида жойлашган 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби худудида тик артезиан қудуғи қавлаш учун рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6 ва 34-моддаларига асосан тумандаги Кўк-дўппи қишлоғида жойлашган 3-сонли умумий ўрта таълим мактабини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Фурқат тумани Халқ таълими бўлими мудирининг А.Эрматовнинг 2020 йил 17 августдаги 03-1/466-сонли алоқа хати қаноатлантирилсин, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ таълими бўлими мудирининг 2020 йил 17 августдаги 03-1/466-сонли алоқа хати қаноатлантирилсин, туманинг Кўк-дўппи қишлоғида жойлашган 3-сонли умумий ўрта таълим мактабини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида мактаб худудидаги бўш турган ер майдонида тик артезиан қудуғи қавлаш учун рухсат бериш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Туман Халқ таълими бўлимига қаршли 3-сонли умумий ўрта таълим мактабини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ушбу мактаб худудидаги бўш турган 300 квадрат метр ер майдонида хомийлар ёрдамида тик артезиан қудуғи қавлаш учун рухсат берилсин.

3. Туман Халқ таълими бўлими мудирининг А.Эрматовга ушбу объектни лойиҳалаш учун вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи тайёрлатиш вазифаси белгилансин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов ва вилоят “Сувоқава” ДУК Фурқат тумани филиали бошлиғи И.Сиддиков зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Д.Ж. Солиев.



« 11 » 09 2020 yil

№ 575 -sonli

Navbahor shaharchasi

Фуркат тумани Ободон қишлоғида “Қўқон Бинокор” МЧЖга Беш-эчки қишлоғида жойлашган Истиклол маҳалла фуқаролар йиғини худудидан Истиклол маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда Ободон қишлоғидан “Қўқон Бинокор” МЧЖга маъмурий биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 42-сонли йиғилиш баёнининг 95-банди ижросини бажариш ҳамда туман хокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 23-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фуркат тумани Ободон қишлоғида “Қўқон Бинокор” МЧЖга Истиклол маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини-ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда “Қўқон Бинокор” МЧЖга маъмурий биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва ўзаро келишув битими имзоланганлиги инобатга олинсин.
2. Туманнинг “Қўқон Бинокор” МЧЖга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини-ўзи бошқариш органи комплекси қурилиши учун 0,02 га ҳамда “Қўқон Бинокор” МЧЖ маъмурий бинолари учун 0.125 га жами 0.145 га ер майдони ажратилсин.
3. “Қўқон Бинокор” МЧЖга Истиклол маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда “Қўқон Бинокор” МЧЖ маъмурий биноларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 -моддасига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН

инспекциясини объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4. “Қўқон Бинокор” МЧЖ томонидан Истиклол МФЙнинг маъмурий биноси келишув битимида кўрсатилган муддатда қуриб фойдаланишга топширилмаган тақдирда инвестор “Қўқон Бинокор” МЧЖга мамурий бинолар қурилиши учун ажратиб берилган 0.125 га ер майдонини ва Истиклол МФЙ биноси қурилиши учун қилинган сарф харажатлар қопланмасдан туман захирасига қайтариб олиш келишув битимига асосан амалга оширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Д.Ж.Солиев





« 11 » 09 2020 yil № 576 -sonli
Тумандаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий
корхонасига “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси
қуриш учун ажратилган ер майдонидан бир
қисмини туман захира ерлар фондига қайтариш ва
ушбу ер майдонини “Исфара Сирдарё” ИТБга
қўшимча маъмурий бино қуриш учун ажратиш
тўғрисида

Navbahor shaharchasi

Тумандаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига туман ҳокимининг
2020 йил 24 мартдаги 242-сонли қарори асосида ажратилган 0,60 га ер майдонида
“Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши лозим бўлсада, бугунги кунда тумандаги “Исфара
Сирдарё” Ирригация тизими бошқармасига қўшимча маъмурий бино қурилиши
зарурати пайдо бўлганлиги ва бу борада ушбу оилавий корхона раҳбарининг мазкур
ер майдонининг бир қисмини туман захира ерлар фондига қайтариш ва ўз навбатида
“Исфара Сирдарё” ИТБ бошлиғининг маъмурий бино қурилиши учун ер ажратиш
ҳақидаги алоқа хатларини ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари танлаш
ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссиянинг далолатномасини кўриб чиқиб,
Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддаси 1-банди, “Махаллий Давлат
ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш
комиссиясининг тумандаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига “Ёшлар
меҳнат гузари” комплекси қуриш учун ажратилган ер майдонидан бир қисмини туман
захира ерлар фондига қайтариб олиш ҳамда ушбу ер майдонини “Исфара Сирдарё”
ИТБга қўшимча маъмурий бино қуриш учун ажратиш тўғрисидаги далолатномаси
тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонасига Қўқонбой
шаҳарчаси ҳудудидан “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси қурилиши учун ажратилган
0,60 га ер майдонидан 0,04 га ер майдони туман захира ерлар фондига қайтарилсин.

3. Ушбу қарорнинг 2-банди билан туман захира ерлар фондига олинган 0,04 га
ер майдони тумандаги “Исфара Сирдарё” ирригация тизими бошқармасига қўшимча
маъмурий бино қуриш учун ажратилсин.

4. Тумандаги “Исфара Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи
Б.Ахмедовга Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик Кодексининг 27-моддасига
биноан қўшимча маъмурий бино қуриш учун вилоят қурилиш бош бошқармасидан
архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-
моддаларига асосан лойиха-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН
инспекциясини объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор
этиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
саноатни ривожлантириш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари
бўйича ўринбосари Р.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими


Д.Ж.Солиев



«14» 09 2020 yil

№ 584 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги Беш-ога қишлоғида яшовчи тадбиркор Рахмонова Чаросхон Садирали кизига "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари" тўғрисида"ги 962-сонли қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган ""Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури доирасида давлат-хусусий шериклик шартларида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш ҳамда туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Галлакор маҳалла фуқаролар йиғини Тилло-тепа қишлоғи худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида, туман доимий ҳаракатдаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси ҳамда Ер Кодексининг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Тумандаги Беш-ога қишлоғида яшовчи тадбиркор Рахмонова Чаросхон Садирали кизининг туман ҳокимлигида рўйхатга олинган мурожаати ва туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва Галлакор маҳалла фуқаролар йиғинининг 2020 йил 4 июл кунги йиғилиш баёни маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2.Тадбиркор Рахмонова Чаросхон Садирали кизига Тилло-тепа қишлоғи худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, сартарошхона, гўшт дўкони ва аёллар гўзаллик салони биноси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида 200,0 квадрат метр ер майдони ажратилсин.

3.Тадбиркор Ч.Рахмоновага "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиб, сартарошхона, гўшт дўкони ва аёллар гўзаллик салони биноси қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 ва 54-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда объект қурилишига руҳсатнома олиш вазифаси юклатилсин.

4.Тадбиркор Ч.Рахмонова зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган "Ёшлар меҳнат гузари" комплекси ташкил этиб, сартарошхона, гўшт дўкони ва аёллар гўзаллик салони биноси қурилишини бир йил муддатда қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш ҳамда иш ўринларининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни 5 йил давомида иш билан таъминлаш шarti билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мажбуриятлари белгилаб қўйилсин.

5.Тадбиркор Ч.Рахмонова ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ушбу қарор бекор қилиниши ва қурилиш харажатлари копланмаслиги белгилаб қўйилсин.

6.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Хамдамов ва туман ҳокимлиги бош мутахасиси А.Алимовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солнев.



« 17 » 09 2020 yil № 590 -sonli Navbahor shaharchasi

Фуркат тумани худудида театрлар рекламаси учун 5 та реклама темир курилмаларини жойлаштириш мақсадида ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли Фармонининг биринчи иловаси 16-бандида театрлар фаолиятида маркетинг ва реклама тизимини ривожлантириш театрларга аҳолини жалб қилиш, қизиқтириш, театр санъатини тарғиботини янада кучайтириш мақсадида худудларда махсус реклама лавҳалари ва паннолар, баннерлар ўрнатиш учун махсус жой ажратиш ва ўрнатиш белгиланганлиги муносабати билан ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Фарғона вилояти Маданият бошқармасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 04-434-сонли ёзишмасига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексининг 6, 20, 23-моддалари, “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонларини танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссия далолатномаси тасдиқлансин, Фарғона вилояти Маданият бошқармасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 04-434-сонли ёзишмаси қаноатлантирилсин.
2. Фарғона вилояти Маданият бошқармасига вилоятда фаолият олиб бораётган 5 та театр учун тумандаги Томоша, Навбахор, Эшон, Эски, Шойимбек МФЙлардаги аҳоли гавжум худудларда 1 тадан жами 5 та реклама темир курилмаларини ўрнатиш учун ҳар бир худуддан 4 кв. метрдан жами 20 кв. метр ер майдони ажратилсин ва ўрнатишга рухсат берилсин.
3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман хокими ўринбосари Ш.Валиев зиммасига юклатилсин.

Фуркат туман хокими:

Д.Солиев



« 18 » 09 2020 yil

№ 595 -sonli

Navbahor shaharchasi

Тумандаги Ингичка МФЙ Ободон кишлоғи худудидан фуқаро Усмонова Сурмахонга энгил типдаги акфа материаллардан тайёрланган вақтинчалик савдо дўкони ўрнатишга рухсат бериш хақида

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6,20- ва 23-моддаларига асосланиб, туманда тадбиркорликни қўллаб қувватлаш мақсадида Ободон кишлоғида яшовчи фуқаро Усмонова Сурмахоннинг туман ҳокимлигида 2020 йил 9 сентябрдаги 331/2-сон билан рўйхатга олинган Ободон кишлоғи худудида вақтинчалик савдо дўкони ўрнатишга рухсат беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Тумандаги Ингичка МФЙ Ободон кишлоғида яшовчи фуқаро Усмонова Сурмахонга фермер хўжалигида етиштирилган олма ва полиз маҳсулотларини аҳолига сифатли етказиб бериш мақсадида энгил типдаги акфа материаллардан тайёрланган савдо дўкони ўрнатиш учун вақтинча фойдаланишга ер майдони ажратиб бериш хақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари таълаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин, Ингичка МФЙ кенгаши йиғилишининг 2020 йил 10 сентябрдаги 9-сонли қарори маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2.Фуқаро Усмонова Сурмахонга Ободон кишлоғи худудидан фермер хўжалигида етиштирилган олма ва полиз маҳсулотларини аҳолига сифатли етказиб бериш мақсадида энгил типдаги акфа материаллардан тайёрланган савдо дўкони ўрнатиш учун вақтинча фойдаланишга 15,0 квадрат метр ер майдони ажратиб берилсин.

3.Фуқаро Усмонова Сурмахонга Ободон кишлоғи худудида энгил типдаги акфа материаллардан тайёрланган вақтинчалик савдо дўкони ўрнатиш учун ажратиб берилган 15,0 квадрат метр ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлганда ушбу ер майдонини бўшатиб бериш вазифаси юклатилсин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Д.Ж.Солиев.



«_17_»_09_2020 yil

№_588_-sonli

Navbahor shaharchasi

Фуркат туманидаги “Фуркатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан Навбахор маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини-ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда Янги қишлоғидан хайдовчилик касбийни ўргатиш учун ўқув машқ майдонини қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 42-сонли йиғилиш баёнининг 95-банди ижросини бажариш ҳамда туман хокимлиги ҳузуридаги доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 23-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат Ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Фуркат тумани Янги қишлоғида “Фуркатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини-ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда “Фуркатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига хайдовчилик касбийни ўргатиш учун ўқув машқ майдонини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақидаги туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин ва ўзаро келишув битими имзоланганлиги инобатга олинсин.

2. “Фуркатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинига ўзини-ўзи бошқариш органи комплекси қурилиши учун 0,02 га ҳамда “Фуркатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига хайдовчилик касбийни ўргатишга учун ўқув машқ майдони учун 0,1380 га жами 0,1580 га ер майдони ажратилсин.

3. “Фуркатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғини учун ўзини ўзи бошқариш органи комплекси ҳамда ушбу хусусий корхонага хайдовчилик касбийни ўргатиш учун ўқув машқ майдони давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят қурилиш бош бошқармасидан

архитектура-режалаштириш топшириғи олиш ва ушбу Кодекснинг 39 -моддасига асосан лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекциясини объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4. “Фурқатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонаси томонидан “Навбахор” МФЙнинг маъмурий биноси келишув битимида кўрсатилган муддатда қуриб фойдаланишга топширилмаган тақдирда инвестор “Фурқатлик Асадбек Хуршидбек” хусусий корхонасига ҳайдовчилик касбий ўргатиш учун ўқув машқ майдони қурилиши учун ажратиб берилган 0,1380 га ер майдонини ва “Навбахор” МФЙ биноси қурилиши учун қилинган сарф харажатлар қопланмасдан туман захирасига қайтариб олиш келишув битимига асосан амалга оширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Д.Ж.Солиев

